



TAMADDUN SILSILASI

ILMIY JURNALI

*ilmiy, ilmiy-metodik,
ko'p tarmoqli
ilmiy maqolalar
to'plami*



AMIR TEMUR

1336-1370



2-SON
DEKABR

2020



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

MADANIYAT VAZIRLIGI

NAMANGAN VILOYAT TARIXI VA MADANIYATI
DAVLAT MUZEYI

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI

TARIX KAFEDRASI

TAMADDUN SILSILASI

DAVRIY JURNAL

№ 2

«Iste`dod ziyo press» nashriyoti
Namangan
2020

UO`K: 821-512-133-9

KBK: 84(Ў36)7

M-01

Tamaddun silsilasi. (*Maqolalar to`plami*)/ «Iste`dod ziyo press» nashriyoti . – Namangan, 2020.

Ilmiy jurnal materiallaridan ilmiy jamoatchilik, oliy va o`rta maxsus o`quv yurtlari professor-o`qituvchilari, talaba, magistr va ilmiy tadqiqotchilar foydalanishi mumkin.

Mazkur to`plam Namangan viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyi ilmiy kengashlarining 2020-yil 10-dekabrdagi 9-sonli qo`shma yig`ilishi bayonnomasi asosida nashrga tavsiya etildi.

Mas`ul muharrir: I.Y. Yusupov, t.f.d., prof.

Taqrizchilar: A. N. Rasulov, t.f.d., prof.
A. A. Erqo`ziyev, t.f.n., dots.
Z. Sh. Madrahimov, t.f.n., dots.

Maqolalarni nashrga tayyorlovchilar: D. Z. Olimjonov
I. I. Karimov

Ushbu to`plamdagi maqolalar xolisona yoritilganligi, keltirilgan dalillar va ilmiy muomalaga kiritilgan manbalar asosli ekanligi bo`yicha mas`uliyat mualliflar zimmasidadir.

ISBN 998-9943-5473-5-1

© «Iste`dod ziyo press» nashriyoti, 2020.

БУХОРОЛИК БУКИНИСТ (КИТОБ ТЎПЛОВЧИ) КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР

*Аъзам Ҳомидович БОЛТАЕВ
Бухоро давлат университети
Бухоро тарихи кафедраси
ўқитувчиси*

Аннотация:

Мазкур мақолада, XX аср Бухоро ўлкасида китоб коллекцияси билан шуғулланган шахслар тўғрида маълумот берилди. Улар томонидан тўпланган коллекцияларда кўлёзма ва тошбосма асарларнинг мавжудлиги, унинг қимматини оширади ҳамда мазкур ишнинг долзарблигини кўрсатади. Мазкур соҳа тарихий ўлкашуносликда янги йўналиш бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, мақоладан ўлкамизда китоб коллекция қилиш ишларининг қачондан бошланганлиги ва у билан дастлаб қайси соҳа вакиллари шуғулланганлиги ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг ривожига коллекционерлик соҳасининг роли катталиги тадқиқотда таъкидланади.

Калит сўзлар:

Коллекция, коллекционерлик, букинист, ўлкашунослик, кўлёзма, тошбосма, хат, хаттот, кутубхона, архив, қозикалон, масжид, музей, Бухоро.

Аннотация:

В данной статье представлена информация о лицах, занимавшихся в XX веке коллекционированием книг в Бухарском крае. Наличие рукописных и литографических произведений в собранных ими коллекциях повышает их ценность и указывает на актуальность данной работы. Данная отрасль является новым направлением в историческом краеведении. Также в статье представлена информация о том, когда в нашем крае началась работа по коллекционированию книг и представители какой отрасли первоначально с ней занимались. В исследовании подчеркивается большая роль коллекционирования в развитии исторического краеведения Бухары.

Ключевые слова:

Коллекция, коллекционирование, букинист, краеведение, рукопись, литография, письмо, каллиграфия, библиотека, архив, казикалон, мечеть, музей, Бухара.

Annotation:

in this article was written the people engaged in the collection of books in the Bukhara region of the 20th century. The presence of puddles and stones in the collections collected by them increases its value and shows the relevance of this work. This area is considered a new direction in the historical development of the country. Also in our country from the article there is information about when the collection of books began and with which representatives of this sphere were initially engaged. The magnitude of the role of the collectivist sector in the development of historical local development in Bukhara was highlighted in the study.

Key words:

Collection, collectivism, master of ceremony at a celebration or family event, country, puddle, masonry, letter, hattot, library, archive, kazikalon, mosque, Museum, Bukhara.

Бухоро илмий-маърифий оламида ва адабий муҳитида бир қанча илм аҳли этишиб чиқди. Улар илмий тадқиқот ишлари билан бирга китоб тўплаш ишлари билан ҳам шуғулландилар. XX аср бошларида Бухоро маҳаллий аҳолисининг аксариятида кўлэзмалар коллекцияси мавжуд эди. Совет тузумининг дастлабки йилларида маҳаллий аҳолидан кўплаб китоблар тортиб олингани боис маҳаллий коллекционерлар фаолияти анча сусайди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бу соҳа яна жонланади ва ҳозиргача давом этмоқда.

Бухорода XX аср бошларида китоб тўпловчи ёки бой кутубхонага эга бўлган аҳоли оз сонли бўлган. Чунки оддий аҳоли бу иш билан шуғулланиш имкониятига эга эмасди. Манбаларда қайд қилинишича, ўша даврда Бухорода учта катта кутубхона бўлиб, унда энг нодир кўлэзма китоблар йиғилган. Булардан биринчиси – Бухоро қозикалони Мулла Бурхониддин, иккинчиси – Муҳаммад Сиддиқ (Ш.Воҳидов берган маълумотга кўра, Муҳаммад Сиддиқнинг кутубхонасида 1000 томдан ортиқ кўлэзма ва тош

босма китоблар жамланган) [3;494-501], учинчиси – Шарифжон Махдум Садр Зиё (Садр Зиё вафотидан кейин унинг коллекцияси совет ҳукумати қўлига ўтиб кетади. Рўйхатга олиш натижасида кўра, унинг кутубхонасида 300 томлик, мингдан ортиқ китоблар бўлиб, у аввал Бухоро вилоят кутубхонасига, 1936 йилда Тошкент Фанлар Академиясига олиб кетилади)[4,8,10,11] бўлиб, буларнинг кутубхонасичалик бой кутубхона ўлкада бўлмаган.

Шунингдек, Абдурауф Фитрат (А.Мўминов маълумотида кўра, Фитрат коллекциясида 150 томлик араб ёзувидаги китоблари бўлган) [4; 6-7], Мирза Салимбек [5; 46], Мирза Сомий [8,13,14] ва бошқаларнинг ҳам шахсий кутубхоналар бўлган, аммо буларнинг кутубхоналари юқорида номлари келтирилганлар каби бой эмасди. Юқоридаги шахсларнинг кутубхонаси ва коллекциялари тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Биз қуйида номлари илмий адабиётларда қайд қилинмаган коллекционерлар ҳақида маълумот беришни лозим топдик.

Бухоро шахрида, зиёли оиласида таваллуд топган Абдурауф Ғаниев ёшлигидан китоб йиғишга меҳр қўйди. Отаси Абдулвосеъ, бобоси мулла Абдулғани ўз даврининг ўқимишли, илмли кишиларидан бўлиб, Абдурауфни илмли қилишга ҳаракат қилишган. Абдурауф дастлаб эски мактабда, кейинчалик Турсунжон мадрасасида таълим олади. Қорилик даражаси учун Жондор туманидаги Қизбиби масжидига бориб синовдан муваффақиятли ўтган (ўша вақтларда мадрасани етти йил ўқиган талабалар мадраса йўлланмаси билан бир масжидга бориб 40 кун чилла ўтириб, билимини такрорлаб имтиҳон топширган ва қорилик даражасига эришган)[6; 172-174]. Абдурауф Ғаниев оз муддат Бухоро Аркидаги амир девонхонасида хат кўчирувчи, хаттот бўлиб ишлайди. Ўз хонадонида бошқа шахслардан ҳам буюрмалар олиб хаттотлик ишлари билан шуғулланади. Бу ишларнинг натижасида Абдурауф Ғаниев уйида китоблар коллекцияси пайдо бўла бошлади.

Амирлик тузуми ағдалириб Бухорони шўро аскарлари босиб олгандан сўнг, қорилар ва эшонлар, замона билимдонлари отиб ташланди, юртдан қувилди. Муқаддас китоблар, қадимий кўлёмалар Регистон майдонидаги катта гулханда ёқилди. Қори Абдурауф Ғаниев хонадонларидаги юзлаб нодир китобларни девор орасида, томда, хатто тандир ичида яшириб асраб қолганлар[2; 5-6].

Бухоролик маърифатпарвар жадидлар томонидан озодлик, эркинлик шиорлари билан намойишлар уюштирилди. Уларга хайрихоҳ бўлмаганлар ўртасида ихтилофлар ёз берди. Садриддий Айний асарларида ёзилганидек, ўша кезлари европача кийинган, китоб ёхуд газета ўқийдиган ҳар қандай одам жадидчиликда айбланиб, калтакланган. Бундай калтак маърифатпарвар газетхон қори Абдурауфнинг ҳам бошига тушади ва у сургун қилинади. Аммо ҳеч қандай айб топилмагач, тез орада озод этилади ва умрининг охиригача фарзандларини тарбиялаб, илму маърифатли қилишга бел боғлади.

Қори Абдурауф Ғаниев “барча фарзандларимга илму ҳунар ўргатдим. Мақсадим-уларга мендан мол-дунё эмас, илм-маърифат қолсин. Улар илмсизликдан “озори мардум” яъни халқига озор берадиган эмас, балки унга ёрдамчи, дардига шифо бўладиган фарзандлар бўлиб етишсин. Токи уларга фоний дунёда ҳам, боқий дунёда ҳам халқимиздан дуолар етиб турсин” - деб ўз кутубхонасини шакллантирганини қайд қилади[6; 174-175].

Коллекциядаги китоблар кейинчалик қори Абдурауфнинг фарзандлари томонидан классификация қилинган ва китоблар икки гуруҳга қўлёзма ва тошбосма китобларга ажратилган. Қўлёзма китоблар умумий сони 142 тани ташкил этади. Китоблар ичида форс, араб, туркий тилда ёзилган китоблар мавжуд. Диний китоблардан Қуръоннинг бир неча нусхалари (бир пора, хаттот Қори Обид). Айримларининг бетлари тўлиқ эмас, Ҳафтияк, Қофия (муаллифи Абдурахмон Жомий), пайғамбарлар пайдо бўлиши тўғрисидаги ривоятлар ва бошқалар. “Салоти Масъуди”, “Одоби тариқат”, Мажмуал ҳикоят”, “Дур ал-мажолис”, “Ҳадиси Набавия”, “Хобнома”, “Мусибатнома” ва бошқа китоблар мавжуд. Бундан ташқари номи ноъмалум ва муаллифи тахминий бўлган асарлар ҳам коллекциядан ўрин олган.

Тошбосма китоблар умумий сони 104 тани ташкил этади. Китоблар асосан араб ёзувида, форс ва туркий тилда ёзилган. Тошбосма китоблар ичида 30 га яқин диний, 15 га яқин шеърий, 20 дан ортиқ тарихий, 8 та ривоят, 10 да ортиқ девон, 10 дан ортиқ ҳикоялар ҳамда луғатлар, тиббиёт, одобномага оид китоблар мавжуд. Дикқатга сазовор жойи шундаки, коллекцияда хорижда нашр қилинган китоблар ҳам жамланган. Булар орасида Дехлида чоп этилган “Тасвири Фатхул Азиз” (муаллифи Шоҳ Абдулазиз

муҳандиси Дехлавий), Покистоннинг Лохур шаҳрида чоп этилган “Қиссаи Аҳмади Жомий” ва “Қиссаи Қаҳва ва Гулшод”, “Иршод ат-толибин”, Ҳиндистоннинг Лахнав шаҳрида нашр этилган “Маълумоти ал-Уфок”, “Тухватул-Аҳрор-Жомий” тўплами, Туркиянинг Истамбул шаҳрида чоп этилган “Девони Ҳофиз”, 1905 йил Қозон шаҳрида чоп этилган “Рисолаи Азизон” ва бошқалар мавжуд.

Тошбосма китоблар каталогининг Т-61 рақами остида “Ал-Ислоҳ” китоби ўрин олган бўлиб, ҳижрий 1334 йилда (милодий 1916 йил) ёзилган. Бу китоб икки жилд ҳисобланиб, эски Тошкент типографиясида чоп этилган. Муаллифлари Мулла Олимжон ал-Бухорий, бухоролик Муфтазода, тошкентлик Абдуғафур Тухурий, хўжандлик Мулла Абдулло Хожи мударрис. Китоб беш қисмдан иборат бўлиб, унда Нақшбандия таълимоти ва жаидчилик таълимотига хос маълумотлар ўрин олган. Унда жаидчилик мактабида ўқитиладиган фанларнинг номи жумладан, “Адиби аввал”, “Адиби сони” ва ҳоказолар мавжуд. Ушбу китобда Мунавварқори томонидан ёзилган китоблар мундарижаси ҳам бор. Китоб форс ва туркий тилларда ёзилган.

Булардан ташқари коллекционернинг фарзандлари томонидан мисдан тайёрланган уй-рўзғор ашёлари ҳам жамланган. Ўғиллари Раҳматуллоҳ Ғаниев томонидан ташкил этилган “Қори Абдурауф уй-музеи”да қатор экспонатлар билан бирга, оталаридан қолган нодир китоблар ҳам сақланмоқда. Қори Абдурауф уй музейини томоша қилиб, китоб коллекцияси билан танишган кишини аввало, китобсеварнинг серқарра ижодкорлиги ва нозик диди ҳайратга солади. Бу хислатлар китобларнинг мазмун ва мавзу хилма-хиллигида, фан тарихи учун қимматли ҳамда ноёблигида ўз аксини топган.

Китоб коллекцияси билан шуғулланган шахслардан яна бири Мусо Саиджоновдир. Мусо Саиджонов (1893-1937) умрининг кўп қисмини БХСР ва Ўзбекистон ССР ҳукумат бошқарув тизими соҳаларига бағишлади (Бухоро Халқ Совет Республикаси озиқ-овқат нозири, иқтисодиёт нозирининг муовини, Молия нозири, Маориф нозири, Бухкомстарис раиси, Узкомстарис раиси ва хоказолар). Шундай бўлишига қарамай олим ҳеч вақт илмий тадқиқот ишидан тўхтамади ҳамда ўзининг коллекция (манбалар)

тўплаш ишларини давом эттирди. 1937 йил бир гуруҳ жаиди зиёлилари қаторида қатағонга учради [12; 44-45].

Шўро давридаги оғир аҳвол, яшаш шароитининг қийинлиги сабабли ҳали эрининг устидан ҳукм чиқарилмай Ризвонхон (Мусо Саиджонов хотини) тирикчилик илинжида бир хона тўла нодир китобларга харидор излашга мажбур бўлди. Бундан хабар топган ва Мусо Саиджоновни шахсан таниган Тошкент давлат университети тарих факультетининг доценти Пўлат Солиев Бухорога келиб, унинг кутубхонасида сақланаётган китобларни кўздан кечириди. У Тошкентга қайтганидан кейин ҳамкасблари Абдурахмон Ҳамроев ва Қодир Усмоновга мурожаат қилиб, биргаликда мазкур кутубхонадаги барча китобларни хариб қилиб олиш ва шу йўл билан Мусо Саиджоновнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатишни таклиф қилади, аммо, улар бундай ҳатти-ҳаракатлар туфайли халқ душмани оиласига ёрдам беришга айбланишдан қўрқиб таклифдан воз кечадилар. Пўлат Солиев факультет декани Иброҳим Мўминов ва ректор Файзуллаевга мурожаат қилади. Афсуски, улар ўқув юрти кутубхонасини нодир китоблар билан бойитишни жуда истасаларда, халқ душмани деб айбланаётган ўлкашунос олим оиласига ёрдам кўрсатишга журъат эта олмайдилар[7; 230].

1940 йил ТожикистонССРдан Бухорога илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида келган О.Д. Чеховични О.А. Сухарева Бухоро шахрининг Арабон кўчасига олиб бориб, Мусо Саиджоновнинг кутубхонаси ва унда сақланаётган китоблар коллекциясини кўрсатади. Ризвонхоннинг рухсати билан Мусо Саиджоновдан мерос қолган қадимий китобларни кўздан кечирди. Ушбу манбалар XV-XVIII асрларга мансуб бўлган нодир кўрёмза асарлар эди. О.Д. Чехович Душанбега қайтгач устози А.А. Семёновга бу кутубхона тўғрисида маълумот берди. Узоқ йиллар мобайнида Мусо Саиджоновни таниган ҳамда у билан ҳамкорликда фаолият олиб борган А.А.Семёнов дарҳол Тошкентга келиб, бу масалада Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми раҳбариятига мурожаат қилади. Шундан сўнг академия Мусо Саиджоновнинг оиласидан мазкур кутубхонани тўлалигича сотиб олди[7; 231]. Ушбу китоб коллекцияси ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда қайд қилинмайди.

Шунингдек, Бухоро музейида сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш жараёнида Мусо Саиджоновнинг авлодлари томонидан музейга олимнинг кутубхонасидаги бир қанча китоблари сотилганлиги қайд қилинади. Демак академия олимнинг ҳамма китобларини ҳам олиб кетмаган унинг бир нечтаси оила аъзолари томонидан сақланган ҳамда 1974 йилдан 1980 йиллар оралиғида музейга сотилган. Қуйида биз уларнинг умумий сонини беришга ҳаракат қилдик.

1974 йилда Саиджонов Нарзулло Мусоеви¹ томонидан ўлкашунослик музейига 60 та китоб ва битта газета (Туркистон 1924 йил 14 та сони), битта журнал (Маориф ва ўқитувчи 1925 йил № 1-12) 81 рублга сотилади. Далолатномада бу китоблар Бухоро халқ шўро ҳукумати Маориф нозири Мусо Саиджонов фондидан эканлиги қайд қилинади. 1976 йилда Садулла Йўлдошев² томонидан ўлкашунослик музейига иккита пластинка, иккита шахмат қуттиси доналари билан ҳамда 6 та китоб. Ўша йилнинг ноябр ойида яна бир нечта китобларни Садулла Саиджонов ўлкашунослик музейига келтиради. Булар ичида 5 та тожик тилидаги, 15 та ўзбек тилидаги (Меҳробдан чаён, Тамилла, Камар романи ва бошқалар) китоблардир. Шунингдек, “История татарское лературе”, “Доч фараока”, “Рух аль жамоат”, “История Казани и Булгара”, “Равзат ун Назири” икки қисмдан иборат, луғат русча-ўзбекча, Хоразм тарихига бағишланган иккита китоб. Жами 39 та китобни 200 рублга сотган. Китобларнинг аксариятида Мусо Саиджоновнинг муҳри босилган.

1980 йилда Садулла Саиджонов томонидан 13 та китоб, Маориф ва ўқитувчи журналининг №5-6-9-10 сонлари, Рус археологик жамиятига тегишли илмий тўпламнинг 1915 йил чиққан сони Бухоро ўлкашунослик музейига сотилган эди.

Юқоридаги маълумотлардан шуни англаш мумкинки Мусо Саиджонов хонадонидан катта кутубхона мавжуд бўлиб, унда кўпроқ тарихий китоблар жамланган. Мусо Саиджонов Бухоро Халқ Совет Республикаси(БХСР) ҳукумати даврида турли лавозимларда ишлаган бўлса-да, ўлкашунослик тадқиқотларини ҳам амалга оширган, вақф ҳужжатларини ўрганган ҳамда ўз кутубхонасида манбалар тўплаган. Кейинчалик унинг авлодлари

¹Мусо Саиджоновнинг ўғли.

²Мусо Саиджоновнинг невараси Шухрат Саиджонов маълумотида кўра, бу киши Мусо Саиджоновнинг укаси.

томонидан китобларнинг анчаси ўлкашунослик музейига топширилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур шахсий архивлар ва коллекцияларда сақланаётган ёки йиғилган китоблар ўзининг тадқиқотчисини кутиб келмоқда. Уларда ўлка тарихига оид қимматли маълумотлар сақланганлиги сир эмас. Ўлкани ўрганишда мазкур коллекционерларнинг фаолияти диққатга сазовордир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бухоро давлат музей-қўриқхонаси. Харид хужжалари китоби. 1974 йил №26. 1976 йил № 119, №140, 1980 йил № 23, №86.
2. Бухоро ривоятлари. Нашрга тайёрлаган Нусратилло Наимов. – Бухоро: 2009. –Б. 5-6.
3. Воҳидов Ш. Х. Жизнь, посвященная вечности. О царевиче Мухаммад Сиддик Хашмате, сыне эмира Музаффар (1864–1932): жизнь и научное наследие //Молодой учёный. -М.: 2015. №15. – С.494-501.
4. Воҳидов Ш.Х. Садр-и Зия и его библиотека. Т.: Янги аср авлоди. 2007. –С.6-9.
5. Епифанова Л.М. Рукописные источники Института востоковедения АН Уз. ССР по истории Средней Азии периода присоединения её к России (Бухара). - Т.: Издательство “Наука” Уз ССР, 1965. –С.46.
6. Иноятов А., Солиева М. Зулматдаги зиёкорлар.-Тошкент: “Nilol nashr”, 2016. –Б.172-174.
7. Наимов Н. Маърифатга бахшида умр. –Бухоро: Дурдона. 2018. - 234 б.
8. Охунжонов Э. Садри Зиё кутубхонаси //Kutubxona.uz. – Тошкент, 2014. № 4 (24). – Б.29-32.
9. Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. – М.: Наука, 1972. Т. II. – С.1178-1179.
10. Тўраев Ҳ. Шарифжон Махдум Садр Зиё //Бухоро мавжлари. 2005. №1. – Б.32-33.
11. Тўраев Ҳ. Шарифжон Махдум Садр-и Зиё ва унинг илмий мероси //Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2008. №1. – Б.33-34.
12. Тўраев Ҳ. Мусо Саиджонов //Мозийдан садо. 2014. №1. – Б.44-45.

13. Тўраев Х. Юртимиз тарихига оид яна бир муҳим манба //Бухоро мавжлари. 2014. №4. – Б.38-39.
14. Тўраев Х. Мирза Сомийнинг шахсий архиви //Мозийдан садо.- Т.: 2015 №3. –Б.32-33.

“TURKISTON LEGIONI” TARIXIDAN

*Zohidjon XOLDOROV,
Namangan davlat universiteti
5A120302 – Tarix mutaxassisligi talabasi*

Annotatsiya:

Maqolada Ikkinchi jahon urushi davrida nemis fashistlariga asir tushgan turkistonlik askarlaridan tuzilgan “Turkiston legion” tarixi to’g’risida ma’lumotlar keltirib o’tilgan. Shuningdek, ushbu legionni tashkil etgan asli turkistonlik bo’lgan shaxslar to’g’risida ham fikr yuritiladi.

Kalit so’zlar:

Turkiston legioni, Volga – Ural legioni, Rus ozodlik armiyasi, “Tushda kechgan umrlar”, Vali Qayumxon, Mustafо Cho’qay, Ro’zi Nazar, “Turkiston Milliy Birlik Qo’mitasi”, “Milliy Turkiston”, “Milliy adabiyot”, “Yangi Turkiston”.

Аннотация:

В статье приводятся сведения о «Туркестанском легионе», сформированном из пленных туркестанских советских солдат во время Второй мировой войны. Есть также мнение о людях, которые были туркестанцами по происхождению, которые составила этот легион.

Ключевые слова:

Туркестанский легион, Волга – Уралский легион, Русская освободительная армия, Вали Каюмхан, Мустафа Чукай, Рузи Назар, «Туркестанский комитет национального единства», «Национальный Туркестан», «Национальная литература», «Новый Туркестан».

Annotation:

The article provides information about the «Turkestan Legion», a group of Turkestan Soviet soldiers were captured during World War the

MUNDARIJA

I BO‘LIM. TARIX VA ARXEOLOGIYA		
1	<i>Қозоқов Т. Ҳақиқат бу илм, илм эса ҳақиқатдир.....</i>	4
2	<i>Болтаев А. Бухоролик букинист (китоб тўпловчи) коллекционерлар.....</i>	16
3	<i>Xoldorov Z. “Turkiston legioni” tarixidan.....</i>	24
4	<i>Режаббоев Н. Фарғона вилоятида очарчилик оқибатларини тугатишда қизил хоч жамиятининг иштироки.....</i>	28
5	<i>Madrahimov Z. O‘zbekiston daryolari toponimikasi haqida ayrim mulohazalar.....</i>	32
6	<i>Кенжаев Э. Византия дипломатиясининг илк ўрта асрлар халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни.....</i>	38
7	<i>Абдурасулов Р. Фронт газеталари – иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ёритувчи муҳим манба сифатида.....</i>	42
8	<i>Қозақов Т. Наманганлик Қатагон қурбони - дадамирза қори.....</i>	47
9	<i>Мурадова Д. Жанубий Фарғона қадимий шаҳарсозлигининг ўзига ҳос хусусиятлари.....</i>	53
10	<i>Каримов И. Ахсикент – мозий тилсими.....</i>	63
11	<i>Tursunov B. Boburiylar davlatida amalga oshirilgan harbiy islohatlar va qurol-yaroq ta`minoti.....</i>	69
12	<i>Боймирзаев Х. Инновацион таълим муҳитида “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириши.....</i>	74
13	<i>Mustafoeva D. Ethnogenesis and ethnography of Zarafshan oasis.....</i>	80
14	<i>Olimjonov D. O‘zbekistonda inson huquqlari e’tirofi:</i>	